

## Янги чақалоқ ҳақида

07:51 / 17.10.2018 3023

**Ассалому алайкум! 22 август куни ўғил фарзандли бўлдим. Ўзим намоз ўқийман, рўза тутаман, Аллоҳдан қўрқаман, лекин диний илмим камроқ. Мен ўғлимнинг иншааллоҳ кучли илм соҳиби бўлишини истайман. Иложи борича Қуръони каримни тезроқ ёдлаб олишини хоҳлайман. Аҳли илмларга жуда ҳавас қиламан, шунинг учун нималарга эътибор қаратай?**

ЖАВОБ:

– Ва алайкум ассалом! Чақалоқлар энг унумдор ерларга ўхшайди. Лекин ер ҳар қанча унумдор бўлмасин, албатта унга яхши уруғ экиш ҳамда доимий парвариш керак бўлади. Яхши уруғ бу – диний таълим, соф ақийда илмидир. Ўша эккан нарсангизга қараб келажакда мева беради. Валлоҳу аълам!

*"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати*